

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
САМАРАДОРЛИГИ**

П.ф.д (DSc), профессор в.в.б.,
С.С.ТАЖИБАЕВ,
Катта ўқитувчи
М.У. АДАШЕВА

¹Ўзбекистон давлат хореография академияси
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон

Аннотация: Мазкур мақолада 5 синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия фанини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: Электрон мультимедиа, енгил атлетика, сакраш, техника, футбол, тўпни қабул қилиш, қўл тўпи, тўпни узатиш.

Аннотация: Изучена эффективность использования мультимедийных средств при преподавании предмета “Физическое воспитание” учеников 5-класса.

Ключевые слова: Электронные мультимедиа, легкая атлетика, прыжок, техника, футбол, прием мяча, ручной мяч, передача мяча.

Annotation: The effectiveness of using multimedia tools in teaching the subject “Physical Education” of 5th grade students was studied.

Keywords: Electronic multimedia, athletics, jump, technique, football, ball reception, hand ball, ball pass.

Долзарблиги. Ёш авлодни ҳар томонлама: ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида жисмоний тарбия асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бугунги кунда жаҳонда таълимни модернизациялаш шахсни маънавий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда таълим жараёнининг сифатини оширишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Ҳорижий мамлакатларда жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусий мактабларда эса ўқув дастурларини танлаш давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги сабабли турли педагогик муқобилларнинг тадқиқотлари ўтказиб турилади.

Деярли барча билим соҳаларини тезкор ахборотлаштириш ҳар қандай соҳадаги мутахассислар, шу жумладан жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассислари томонидан ахборот технологияларини эгаллашни талаб қилади.

Илмий-услубий адабиётларини ўрганиш шундан далолат берадики, умумтаълим мактабларида жисмоний тарбиянинг олиб борилиши бўйича қатор

Т.С. Усманходжаев., В.К. Бальсевич ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган [9]. Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигида ёш хусусиятларининг таҳлили А.А. Гужаловский., В.И. Лях., В.П. Губава бошқаларнинг ишларида ўрганилди [2,3,5].

Таълим тизимида ахборот технологияларни қўллаш бўйича И.Г. Захарова, О.Г. Хомерикилар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эса П.К. Петров., З.Г. Рязанова., В.В. Яновлар томонидан кўплаб илмий изланишлар амалга оширилган.

Жисмоний тарбия фанини ўқитишда электрон мультимедиа ўқув қўлланмани чиқиш 5-синф ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичларига таъсирини педагогик тажриба орқали аниқлаш бугунги куннинг энг долзарб йўналишларидан бирига айланган.

Тадқиқотнинг мақсади. 5-синф ўқувчиларинининг жисмоний тарбия дарсларида электрон мультимедиа воситаларинини қўллаш самарадорлигини педагогик тажрибада текшириш.

Тадқиқотнинг вазифалари: Электрон мультимедиа воситаларни 5-синф ўқувчиларини енгил атлетика ўқув тури техник элементларини ўзлаштириш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

Электрон мультимедиа воситаларни 5-синф ўқувчиларини футбол ва гандбол спорт турлари техник элементларини ўзлаштириш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. 5-синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарслари жараёни.

Тадқиқотнинг предмети. 5-синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсини электрон мультимедиа воситаларини қўллаш жараёни.

Тадқиқот усуллари. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, суҳбат, педагогик кузатув, мутахассис баҳолаши, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотни ташкиллаштириш. Тадқиқот Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказилган. Тажрибада 64 нафар 5-синф ўқувчилари иштирок этган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ўтказилган илмий услубий адабиётлар таҳлили натижасида қуйидаги маълумотлар олинди.

Умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия фанини I чорақда ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида малакали мутахассислардан иборат жамоа ташкил этилди ($n=25$).

Баҳолаш маъқуллаш йўли орқали амалга оширилди. Бунда мутахассислар фикрларининг мувофиқлик даражасини гуруҳда баҳолаш учун конкордация (W) коэффицентидан фойдаланилди. У бизнинг тадқиқотларимизда етарлича юқори ($W=0,82$) ҳамда ишончли ($p<0,05$) бўлди.



1-расм.



2-расм.



3-расм.



4-расм.

1-2-3-4-расмлар. 5-синф ўқувчиларига футбол техникасини ўргатишда қўлланилган видео роликлар



5-расм.



6-расм.



7-расм.



8-расм.

5-6-7-8-расмлар. 5-синф ўқувчиларига енгил атлетика техникасини ўргатишда қўлланилган видео роликлар

Мутахассислар жамоаси томонидан 5-синф ўқувчиларининг техник ҳаракатлари қуйидагича баҳоланди: «аъло» - техник ҳаракатларнинг мутлақо тўғри бажарилиши - 5 балл; «яхши» - техник ҳаракатларнинг кичик хатолар

билан бажарилиши - 4 балл; «қониқарли» - ҳаракатларнинг катта хатолар билан бажарилиши - 3 балл; «қониқарсиз» - бажарилган техник ҳаракатлар 2 баллдан кам.

1 - ва 4-расмларда 5-синф ўқувчиларининг футбол техникасига ўргатиш бўйича қўлланилган видео роликлар ва 5- ва 8- расмларда енгил атлетика техник ҳаракатларига ўргатишда фойданилган видео роликлардар лавҳалар келтирилган.

5-синфда ўқувчи мактаб ўқувчиларининг I чорақда жисмоний тарбия фанини ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар қуйидаги натижаларни қайд этди (1-жадвалга қаранг).

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган «Жисмоний тарбия» 5-6 синф мактаб ўқувчилари учун электрон ўқув қўлланмани ўқув жараёнига жорий этиш самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган педагогик тажриба натижалари қуйидагича бўлди.

“*Стартга*“ буйруғи берилганда: тиз чўкиб, қўлларга таянилади, бунда бир оёқ тиззаси ерга тегиб туради, иккинчиси таянчга тиралади; бош бармоқлар ичкарига қараб туради, қўллар тўғриланади, гавда оғирлиги қўл ва тиззага бир хил туширилади; бошни эгиб старт чизиғига қараб турилади (11; 22-бет).

“*Диққат*“ буйруғи берилганда, орқада турган оёқ тиззаси ердан узилади, гавда оғирлиги тўрт “нуқта”га - қўл ва оёқларга тақсимланади. “*Югур*” буйруғи берилганда гавда дарҳол тўғриланиб, орқада турган оёқ билан биринчи қадам қўйилади, қўллар билан кескин ҳаракат қилинади, сўнгра иккинчи, учинчи ва ҳоказо қадамлар қўйилади. 6-8 қадамдан кейин гавда бутунлай тўғриланиб олинади (11; 22-бет).

Экспертлар гуруҳи томонидан тажриба гуруҳидаги 12 ёшли ўқувчиларнинг “Стартга”, “Диққат”, “Югур” буйруқларини бажариш кўникмаси қуйидагича баҳоланган: 32% - “аъло”, 35% - “яхши”, 21% - “қониқарли”, 12% - “қониқарсиз”, назорат гуруҳи ўқувчилари эса мос равишда 11% - “аъло”, 14% - “яхши”, 39% - “қониқарли”, 36% - “қониқарсиз”. Олинган натижалардан ўргатиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан ($1,14 > 1$) катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан ($1,21 > 0$) катталигини кўриш мумкин. Бу тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлигидан далолат бермоқда.

5-синф мактаб ўқувчиларининг “Теннис тўпини узоққа улоқтиришда дастлабки ҳолат, тўпни ушлаш, улоқтириш” техникасини бажариш кўникмаси экспертлар томонидан қуйидагича баҳоланди. ТГ ўқувчиларининг 34% - “аъло”, 13% - “қониқарсиз”, НГ ўқувчиларнинг эса 12% - “аъло”, 31% - “қониқарсиз” балл билан баҳоланган.

1-жадвал

5-синф ўқувчиларининг 1-чоракда жисмоний тарбия фанидан ўзлаштириш кўрсаткичлари (n=64)

Т/р	Техник ҳаракатлар	Гуруҳ	Ўзлаштириш даражаси				К _{ўсб}	К _{бдб}
			“аъло”	“яхши”	“қони-қарли”	“қони-қарсиз”		
1.	“Стартга”, “Дикқат”, “Югур” буйруқларини аниқ бажариш техникаси	ТГ	32%	35%	21%	12%	1,14>1	1,21>0
		НГ	11%	14%	39%	36%		
2.	Теннис тўпини узоққа улоқтиришда дастлабки ҳолат, тўпни ушлаш, улоқтириш техникаси	ТГ	34%	39%	14%	13%	1,27>1	1,13>0
		НГ	12%	21%	36%	31%		
3.	Теннис тўпини 1-2 кадам ташлаб узоққа улоқтириш техника усулларини бажариш техникаси	ТГ	40%	43%	12%	5%	1,4>1	1,16>0
		НГ	15%	14%	32%	39%		
4.	Турган жойдан узунликка сакраш техникасини	ТГ	36%	38%	12%	14%	1,41>1	1,51>0
		НГ	18%	16%	30%	36%		
5.	Тўпсиз ҳаракатланишни бажариш техникаси	ТГ	30%	38%	21%	11%	1,37>1	1,17>0
		НГ	12%	17%	32%	39%		
6.	Тўп билан ҳаракатланишни бажариш техникаси	ТГ	29%	43%	11%	17%	1,53>1	1,08>0
		НГ	14%	26%	29%	31%		
7.	Тўпни оёқ юзасининг ички, пастки (товон) қисмлари билан тўпни тўхтатиш техник усулларини бажариш	ТГ	37%	32%	18%	13%	1,41>1	1,08>0
		НГ	15%	22%	27%	36%		
8.	Тўпни оёқ юзасининг ички томони билан тепишни бажариш техникаси	ТГ	31%	39%	21%	9%	1,4>1	1,04>0
		НГ	14%	24%	24%	38%		
9.	Тўпни оддий ва айлантириб тепишни бажариш техникаси	ТГ	31%	42%	13%	14%	1,28>1	1,18>0
		НГ	11%	18%	36%	35%		
10.	Тўп билан жанглёр қилишни бажариш техникаси	ТГ	26%	19%	35%	20%	1,12>1	1,13>0
		НГ	14%	23%	28%	35%		
11.	Ўйинчиларнинг майдонда жойлашиш ва тўпсиз ҳаракатланиш техникаси	ТГ	31%	38%	21%	10%	1,17>1	1,10>0
		НГ	10%	15%	38%	37%		
12.	Тўпни узатиш ва қабул қилишни бажариш техникаси	ТГ	37%	42%	10%	11%	1,23>1	1,18>0
		НГ	16%	21%	34%	29%		
13.	Жойдан туриб 6-7 метрдан тўпни дарвозага отишни бажариш техникаси	ТГ	35%	43%	17%	5%	1,4>1	1,16>0
		НГ	13%	18%	30%	39%		
14.	Чалиштира қадам билан тўпни дарвозага отишни бажариш техникаси	ТГ	37%	38%	12%	13%	1,46>1	1,04>0
		НГ	17%	15%	30%	38%		
15.	Дарвозабон техникаси	ТГ	32%	42%	17%	9%	1,43>1	1,12>0
		НГ	15%	19%	30%	36%		

Изоҳ: К_{ўсб} - ўзлаштириш самарадорлигини баҳолаш коэффиценти, К_{бдб} - билим даражасини баҳолаш коэффиценти.

Математик статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики ТГ ўқувчиларига нисбатан НГ ўқувчиларининг натижалари солиштирилганда ўқув техникасига ўргатиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан ($1,4 > 1$) катта эканлиги, шу билан биргаликда билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан ($1,16 > 0$) катталиги аниқланди.

Экспертлар 12 ёшли ўқувчиларнинг “Теннис тўпини 1-2 қадам ташлаб узоққа улоқтириш техника усуллари бажариш” кўникмаларини ТГ ўқувчиларининг 40% - “аъло”, 43% - “яхши”, 12% - “қониқарли”, 5% - “қониқарсиз”, назорат гуруҳи ўқувчилари эса мос равишда 15% - “аъло”, 14% - “яхши”, 32% - “қониқарли”, 39% - “қониқарсиз” баҳоланган. Тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларининг техник ҳаракатларни ўргатиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катта эканлиги аниқланди.

Экспертлар гуруҳи томонидан ўқувчиларнинг “Тўпни оёқ юзасининг ички томони билан тепишни” техникасини бажариш кўникмаларини баҳолаш натижалари қуйидагиларни кўрсатди. Тажриба ва назорат гуруҳидаги 12 ёшли ўқувчиларнинг 31%, 14% - “аъло”, 39%, 24% - “яхши”, 21%, 24% - “қониқарли”, 9%, 38% - “қониқарсиз” баҳоланган. ТГ ва НГ кўрсаткичлари қиёсий таҳлил этилганда, ўргатиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан ($1,4 > 1$) катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталиги ($1,04 > 0$) аниқланди. Ушбу ёшдаги ўқувчиларнинг ҳужум техникаси кўникмаларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг самарадорлигини тажриба гуруҳи ўқувчиларининг натижаларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Экспертлар гуруҳи томонидан тажриба гуруҳидаги 12 ёшли мактаб ўқувчиларнинг “Жойдан туриб 6-7 метрдан тўпни дарвозага отишни бажариш техникасини қуйидагича баҳоланган: 35% - “аъло”, 43% - “яхши”, 17% - “қониқарли”, 5% - “қониқарсиз”, назорат гуруҳи ўқувчилари эса мос равишда 13% - “аъло”, 18% - “яхши”, 30% - “қониқарли”, 39% - “қониқарсиз”. Олинган натижалардан ўргатиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан ($1,4 > 1$) катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан ($1,16 > 0$) катталигини кўриш мумкин. Бу тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлигидан далолат бермоқда.

Тажриба гуруҳида шуғулланувчи 12 ёшли ўқувчиларнинг “Чалиштирама қадам билан тўпни дарвозага отишни бажариш техникаси назорат ўқувчилар томонидан гуруҳидаги қайд этилган натижаларга нисбатан қиёсий таҳлил қилинганда ўргатиш самарадорлигини баҳолаш коэффиценти бирдан ($1,46 > 1$) катталиги ва билиш даражасини баҳолаш коэффиценти нолдан ($1,04 > 0$) катталиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили натижаларига кўра 5-синфларда ўтказиладиган жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчиларни ҳаракат амалларига ўргатиш ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиришда қўлланиладиган восита ва усулларни шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш зарурати юзага келган.

2. Жисмоний тайёргарлиги ҳар хил бўлган ўқувчиларига жисмоний тарбия дарсларини ўтишда уларнинг саломатлигини сақлаш ва умумий жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашга қаратилган услубият ишлаб чиқиш керак. Умумтаҳлим мактабларида жисмоний тарбия фанини чуқур ўргатиш учун барча ўқув турлари бўйича электрон мультимедиа дарсликларни тайёрлаш зарурати мавжуд.

3. Экспертлар гуруҳи умумтаҳлим мактаблари 5-синф ўқувчиларининг энгил атлетика, футбол, кўл тўпи ўқув турлари бўйича базавий техник ҳаракатларни бажариш кўникмаларида йўл қўйилган ҳатоликлар асосан ўқувчиларнинг ўқув турлари бўйича бажариладиган техник ҳаракатлар юзасидан онгли тарзда етарлича тасаввурга эга эмаслиги. Шу билан биргаликда ҳозирги вақтда умумтаҳлим мактаблари жисмоний тарбия ўқитувчилари барча ўқув турлари бўйича етарлига тушунчага ва техник ҳаракатларни бажара олиш кўникма ва малакасига эга эмаслиги юқорида келтирилган хато камчиликларни келтириб чиқармоқда.

4. 5-синф ўқувчиларининг “Ўйинчиларнинг майдонда жойлашиш ва тўпсиз ҳаракатланиш техникасини” бажариш кўникмалари ҳаракатлари экспертлар томонидан баҳоланган. ТГ ўқувчиларининг 31% - “аъло”, 10% - “қониқарсиз”, НГ ўқувчиларнинг эса 10% - “аъло”, 37% - “қониқарсиз” балл билан баҳоланган. Математик статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики ТГ ўқувчиларига нисбатан НГ ўқувчиларининг натижалари солиштирилганда ўқув техникасига ўргатиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан ($1,17 > 1$) катта эканлиги, шу билан биргаликда билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан ($1,10 > 0$) катталиги аниқланди.

5. Жисмоний тарбия фанидан ишлаб чиқилган электрон ўқув қўлланманинг 5-синф ўқувчиларининг 1-чорақда ўзлаштириш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган педагогик тажриба самарадорлиги тажриба гуруҳи ўқувчилари томонидан қайд этилган натижалардан кўриниб турибди. Мазкур ҳолат жисмоний тарбия фанини ўқитишда нафақат 5-синф ўқувчилари дарс жараёнида балки барча синфлардаги жисмоний тарбия фанини ўқитишда электрон мультимедиа воситаларини қўллаш кераклигини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Губа В.П. Оценка физического развития детей по данным морфологических наблюдений // Теория и практика физической культуры, №3. – М., 1998. – С. 32-33.
2. Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. – Минск: Нар.расцвета, 1978. – С. 88.
3. Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. 5-е изд. М.: Академия, 2008 г., 192 с.
4. Лях В.И. Сенситивные периоды развития координационных способностей детей в школьном возрасте // Теория и практика физической культуры, -№ 3. – М., 1990. – С.15-17.
5. Петров П.К. Информационные технологии в физической культуре и спорте: учебник. 2-е изд., перераб. М.: Академия, 2011. 288 с.
6. Рязанова З.Г., Еременко Е.И., Жидкова Т.И. Свободное программное обеспечение в формировании информационно образовательной среды образовательного учреждения: учебное пособие / Краснояр. гос. пед. ун-т им. В.П. Астафьева. Красноярск, 2013.176 с.
7. Рязанова З.Г., Янов В.В. Информационные технологии в физической культуре и спорте. Учебное пособие. Красноярск 2015 г., 194 ст.
8. Усманходжаев Т.С., Арзуманов С.Г. “Жисмоний тарбия” 5-6 синф мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Қайта ишланган 3-нашри. Тошкент – 2015 й. 160-бет.
9. Хомерики О.Г. Информационное обеспечение инновационной деятельности в образовании // Народное образование. 2007. № 3. С. 22-27.